


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2019



**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Э.Мадраҳимов

Тартибланган статистикалар учун концентрация функциясининг баҳолари	5
B.T.Samatov, U.B.Soyibboev, U.A.Mirzamahmudov	
Иккинчи тартибли дифференциал ўйинлар	12
	КИМЁ

И.Р.Асқаров, А.С.Хожикулов

Йод танқисларини бартараф этишда ишлатиладиган дори воситалари ва уларнинг кимёвий таркиби.....	19
Ш.Ш.Турғунбоев, А.Х.Хайтбаев	
Бетулон кислотасини синтез қилиш	24
Д.Т.Хасanova, И.Р.Асқаров	
Пивони кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш	29

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

В.Махмудов

Маданийлаштириш шароитларида Agropyron Cristatum (L.) Beauv. нинг катта ҳаётий цикли.....	36
М.Холиқов, Ё.Ахмедова	
Қора калхат (<i>milvus migrans</i>)нинг Фарғона водийсида ҳаёт цикли ҳақида.....	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

М.Исағалиев, М.Обидов, Р.Матҳолиқов

Доривор <i>capparis spinosae</i> морфогенетик ва биогеокимёвий ҳусусиятлари	45
Н.Ж.Халилова	
Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфогенетик ҳусусиятлари	49
А.Турдалиев, К.Асқаров, Н.Ходжибалаева	
Суғориладиган тупроқларда лантаноид ва радиоактив элементларнинг геоэнергетик ҳусусиятлари	52

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Э.Мўйдинов, З.Таджибаев, А.Мирсадиков, М.Мўйдинов

Кластер: назария ва амалиёт	57
А.Мирсадиков	
Ҳудудларда хизмат қўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асослари	62

ТАРИХ

Э.Раҳмонов

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини ҳимоялаш сиёсати: муаммолар ва илк натижалар (1991-2000 йй., Фарғона водийси мисолида).	65
А.Азизов	

Фарғона водийси аҳолисининг уй ҳайвонлари билан боғлиқ тасаввурлари (қўй мисолида)	69
--	----

Б. Усмонов

Темурйлар даврида Фарғона боғдорчилиги	73
--	----

С.А. Хошимов

Миллий сиёсий мухолифатга қарши тазийқ ва таъқиблар	76
---	----

Р.Х.Максудов

Музей – халқ тарихининг кўзгуси	80
---------------------------------------	----

О.А. Кличев

Бухоро амирлигига элчиларни кутиб олиш тартиби (xix асрнинг иккинчи ярми - xx аср бошлари).....	83
---	----

О.В.Махмудов

Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар (I қисм: аниқ фанларга оид китоблар)	87
---	----

ТАРИХ

УДК: 94 (575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ТОИФАЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ

СИЁСАТИ: МУАММОЛАР ВА ИЛК НАТИЖАЛАР

(1991-2000 йй., Фарғона водийси мисолида).

ПОЛИТИКА ЗАЩИТЫ СОЦИАЛЬНО УЯЗВИМЫХ СЛОЕВ НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ:
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ

(1991-2000 гг., на примере Ферганской долины)

THE POLICY OF PROTECTION OF CATEGORIES OF POPULATION IN NEED OF SOCIAL
PROTECTION IN UZBEKISTAN: PROBLEMS AND FIRST RESULTS

(1991-2000, on the example of Fergana valley).

Э.Раҳмонов

Аннотация

Мақолада республикамида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли тоифаларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш тизимининг шаклланиши, ушбу тизимнинг натижаси ва муаммолари, Ўзбекистоннинг ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ислоҳотлар даврийлиги Фарғона водийси мисолида очиб берилган.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы формирования системы и государственной политики в сфере социальной защиты малообеспеченных слоев населения, а также анализируются результаты и проблемы в данной сфере. В статье на примере Ферганской долины также рассказывается о реформах, проводившихся в этой сфере на протяжении переходного периода.

Annotation

The article reveals the formation of the process of social support of the population in need of social protection in the Republic, the results and problems of this system, the periodicity of reforms of the social protection policy in the transition period of Uzbekistan in Fergana Valley.

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий ҳимоя, ўтиш даври, бозор иқтисодиёти, ногиронлар, кўп болали оиласи, кам таъминланганлар, етим-есирлар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ёш болали оналар.

Ключевые слова и выражения: социальная защита, переходный период, рыночная экономика, инвалиды, многодетные семьи, малообеспеченные, сироты, одинокие престарелые, пенсионеры, молодые матери с детьми .

Keywords and expressions: social protection, transition period, market economy, disabled people, families with many children, low-in conre people under age children, orphans, elderly conely people, pensioners, young mothers with children.

Ижтимоий ҳимоя давлатнинг инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий кафолатлар йиғиндисини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳимоя ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, уларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди”[1]. Республикаизда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли тоифаларини ногиронлар, фахрийлар, кўп болали оиласи, кам таъминланганлар, етим-есирлар, муҳтоҷ кимсалар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ёш болали оналар ташкил этади. Маълумки, биз ижтимоий соҳада аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза килиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан

соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз [2,18].

Совет Иттифоқи даврида Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозлик тизими, бир томонлама иқтисодий сиёсат республика, хусусан, Фарғона водийси аҳолиси турмуш даражасининг оғирлашиши ва ижтимоий муаммоларнинг кучайишига олиб келди.

Иқтисодий муаммолар ва ижтимоий ҳимоялаш тизимининг қониқарсиз аҳволи, ишсизлар сонининг ошиши аҳоли моддий аҳволининг ёмонлашишига сабаб бўлган эди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш иқтисодий ислоҳотлар дастуридаги узлуксиз устувор йўналишлардан бирига айланди. Шу билан бирга ижтимоий сиёсатнинг етакчи тамойиллари, яъни иқтисодий, ҳуқуқий,

Э.Раҳмонов – Кўкон ДПИ тарих ўқитиши методикаси кафедраси ўқитувчиси.

ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди, ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилиб, унинг ҳукуқий базаси яратилди.

1991 йилнинг нояброда ҳукumat топшириғига биноан ижтимоий таъминот вазирлигига ўз тасарруфидаги ҳолатни бир ой муддатда чуқур таҳпил этиш ва соҳани ривожлантириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Энг аввало, пенсия таъминотида ислоҳотлар ўtkазиш, кам таъминланган оиласлар, ногиронлар устидан ғамхўрлик қилиш вазифалари белгиланди [7, 1-ийғма жилд, 15]. Шунингдек, “Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3, №220 (19.343)] Президент фармони (1991 йил 16 ноябр)га кўра аҳолининг моддий ва ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида муҳим вазифалар белгиланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидағи ижтимоий ва иқтисодий оғир вазиятда ҳам давлат бюджетининг асосий қисми аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасига йўналтирилди. Жумладан, Фарғона вилоятининг 1991 йилги бюджети энг зарур ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, бюджет харажат қисмининг 94,9 фоизи ижтимоий истеъмолни қондиришга қаратилган. 1991 йил бюджетининг ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағи 1990 йилга қараганда 164 млн сўмга ёки 44 фоизга ошиб, 536,5 млн сўмни ташкил этади[4,38].

1992 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нарх-навонинг эркинлашуви шароитида болаларни ижтимоий ҳимоялаш, нафақалар белгилаш бўйича чиқарган қарори ҳам муҳтоҷ аҳоли тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида муҳим аҳамият касб этди. Болалар учун компенсация тўловлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кам таъминланган оиласларнинг икки ёшгача болаларини ижтимоий муҳофаза қилиш каби мақсадлар учун 1992 йилда бюджет ҳисобидан 21,3 миллиард сўм маблағ ажратилди [5, 35].

Республика Президентининг 1992 йил 8-октябрдаги “1992 йил 1 октябридан

нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармонига асосан 1992 йил 1-октябрiddan Ўзбекистон ҳудудидаги уруш қатнашчилари ва ногиронларга пенсиянинг энг оз миқдори 2500 сўм қилиб белгиланган. Шундай қилиб, пенсиянинг энг оз миқдори (уруш қатнашчилари ва I-II тоифа уруш ногиронлари пенсиялари) 1.56 баробарга оширилган [7, 99-ийғма жилд, 80].

Ўрганилаётган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жараёнида ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, Молия вазирлигининг топшириғига асосан Андикон вилояти бюджетининг 1993 йил 9 ойи даврида бажарилиши ўрганилди. Натижада Андикон шаҳри ва Андикон, Жалолқудуқ туманлари молия бўлимларининг аҳолини муҳофаза қилиш ҳақидаги 1992 йил ва 1993 йил I чораги учун тузилган иш режаларида Президент фармонларининг бажарилиши ва амалга оширилиши режага киритилмаганлиги аниқланган [7, 238-ийғма жилд, 103]. Шундан кўринадики, молия бўлимлари аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламини ҳимоя қилишга қаратилган ҳукumat қарорлари бажарилишига эътиборсизлик билан қараганлар.

Шунингдек, мактаб ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашда ҳам бир қатор камчиликлар учрайди. Масалан, 1993 йилда Андикон вилоят назорат-тафтиш бошқармаси томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан текширувлар ўтказилганда, Андикон туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли 5та, Жалолқудуқ туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли 9та, ва Андикон шаҳар ҳалқ таълими бўлимига қарашли 4та мактабда 1-5 синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашда асоссиз ҳисбот тузилиб, 7,7 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини харажатга чиқариш йўли билан бюджет маблағларини қонунсиз равишда олганликлари аниқланган [7, 238-ийғма жилд, 103]. Натижада тафтиш ва текшириш хulosаларига кўра, камомад ва талон-торожликларга йўл қўйиган айбдор шахсларга нисбатан ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қонун доирасида тегишли чора кўрилган.

ТАРИХ

Мустақиллик йилларида кўп болали оиласларни ижтимоий ҳимоялаш устувор масалалардан бирига айланди. Хусусан, биргина 1992 йилнинг ўзида болалар манфаатлари ҳамда компенсация харажатлари учун қўшимча 5,9 миллиард сўм пул ажратилди. Шунингдек, нон, сутқатиқ, шакар, тухум, гўшт ва бошқа озиқовқат маҳсулотлари учун 10 миллиард сўм пул бюджет маблағидан ажратилди [7, 238-ийғма жилд, 37].

1997 йил январдан кучга кирган “Болали оиласларни давлат томонидан қўллаб-кувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги Президент фармони 16 ёшгача фарзанди бўлган оиласларга нафақалар тўлаш тартибини тубдан ўзгартирди.

Республика бўйича 1997 йилда 16 ёшгача болали оиласлар сони 3985,8 мингтани ташкил этиб, нафақа олиш учун ариза билан мурожаат қилган оиласлар сони 3237,6 мингта ва шулардан нафақа тайинланган оиласлар сони 937,9 мингтани ташкил этган. Нафақа олаётган оиласлар сонининг энг кўп миқдори Қашқадарё вилоятидан кейин Наманган вилоятида – 103,6 минг оила ва Фарғона вилоятида 100,6 минг оиласи ташкил этган. Бу вилоятларда умумий оиласлар сони кўп миқдорни ташкил этгани қатори 16 ёшгача болали оиласлар сони кўрсаткичи ҳам кўп миқдорни ташкил этган. Нафақа олаётган оиласлар сони 1998 йилда Наманган вилоятида 110,7 минг ва Фарғона вилоятида 116,9 мингтани ташкил этган. 1999 йилда эса нафақа олиш учун мурожаат қилган оиласлар сони Наманган вилоятида – 222,5 мингта оиласи, нафақа тайинланган оиласлар эса Фарғона вилоятида 114,5 мингта оиласдан иборат бўлган [6, 84-85].

1997 йил мобайнида республика ҳудудидаги қўрғон, қишлоқ, овул ва маҳаллалар ўз-ўзини бошқариш органларининг 5500 та жорий маҳсус ҳисоб рақамларига фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш учун жами 2712.1 млн.сўм (йил бошидаги 346.5 млн.сўм қолдик билан) бюджет маблағлари ўtkазиб берилган. Шу даврда ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан фуқаролардан тушган 1108.8 мингга аризадан 1107.8 мингтаси кўриб чиқилган. Шулардан 81.4 фоизи ёки 901.9 минг ариза талаби ижобий ҳал этилиб, 205.9 минг ариза талаби ёки 18.6 фоизи

белгиланган низом тартибларига жавоб бермаслиги сабабли рад этилган. 1997 йил мобайнида республика ҳудудидаги ўз-ўзини бошқариш органларининг жорий ҳисоб рақамларидаги маблағларнинг 86.2 фоизи ёки 2337.9 млн. сўми фуқароларга моддий ёрдам тариқасида тўланган ёки ўз-ўзини бошқариш идоралари ҳисобларидаги маблағ қолдиги 1998 йил 1 январь ҳолатига 374.2 млн. сўмни ташкил этган. Барча вилоятларда ҳам берилган маблағлар тўлалигича ишлатилмаган. Мисол учун, Андижон вилоятида ишлатилмай қолган маблағларнинг ҳажми 11,8 фоизни ташкил этган [7, 903-ийғма жилд, 151].

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Кам таъминланган оиласларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида” ги 434-сонли қарорига биноан, республикада ногиронлиги мавжуд шахсларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берила бошланди. Шу мақсадда 1995 йил 11 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида 1996-2000 йилларда ногиронларни реабилитация қилиш Давлат дастури” ишлаб чиқилди. Дастурда ногиронларнинг профилактикаси, уларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, уларнинг касбга йўналтирилиши ва таълимни ташкил этиш, иш билан таъминлаш, жисмоний тарбиясини уюштириш, ногиронлар билан ишловчи ходимларни тайёрлаш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кабилар мувофиқлаштирилди [5, 36-37].

Мазкур Давлат дастурининг бажарилиши бўйича Андижон вилоятида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, 1996 йили Андижон шаҳрида Фарғона водийсида ягона бўлган тиббий ва ижтимоий муаммолар билан шуғулланувчи Республика илмий-текшириш институтининг филиали ташкил қилинган. 1998 йилда эса 100 нафар ногиронга эшлиши мосламалари, 570 нафар ногиронга қўлтиқтаёқ ва ҳасса, 91 нафар ногирон маҳсус аравачалар билан бепул таъминланди [8, 57].

Ногиронлиги мавжуд шахсларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш борасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳудудларда масъул раҳбарлар томонидан айrim камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, 1997 йил январ ойида “Ўзбекистон

Республикасида 1996-2000 йилларда ногиронларни реабилитация қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш ва назорат этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ишчи гуруҳининг ўрганиши натижасида вилоятларда амалга оширилган ишларни қиёсий таҳлил этадиган бўлсак, Тошкент, Фарғона, Навоий шаҳарларида болалар церебрал фалажи ва полиомиелит асорати бўлган ногирон болалар учун реабилитация марказларини ташкил этиш ва ишга тушириш масалалари кўриб чиқилмаган. Ҳокимиётлар 1996 йил апрель ойида Республика ишчи гуруҳи томонидан огоҳлантирилганига қарамасдан, марказларнинг жойлари 1997 йил январь ойига қадар аниқланмаган [7, 781-ийғма жилд, 167].

Юқоридаги далиллар таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган давр мобайнида Фарғона водийси аҳолисининг ижтимоий

ҳимояга муҳтож қатлами муаммолари республика ҳукуматининг доимий диққат марказида турган.

Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган ва кам ҳимояланган қисми – болаларга, аёлларга, қарияларга, ногиронлиги мавжуд шахсларга ижтимоий ёрдам бериш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларга бўлган ишончини янада кучайтиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда ҳам республикамизда ижтимоий сиёсатнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги нафақат иқтисодий ва сиёсий вазиятларгагина боғлиқ, балки халқнинг маънавий қадриятларига асосланган соғлом авлодни тарбиялаш, кўп болали оиласларга мадад бериш, қарияларга ғамхўрлик қилиш, ногиронлиги мавжуд шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

References:

1. Mirziyoev Sh.M. Uzbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga Murojaatnomasi, <http://resident.uz/uz/lists/view/2228>.
2. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning assosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturnnng eng muxim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruza. -T.: «Uzbekiston», 2017.
3. «Farg'ona tongi» gazetasi. -1991 yil 19 noyabr.
4. Farg'ona viloyati Davlat arxivi. fond-1124, ro'yxat-15, 535-yig`ma jild.
5. Yormalov F. Uzbekistonda aholini ijtimoiy himoyalash tizimi: holati, shakllanish jarayoni, rivojlanish istiqbollari (1991-2010 yillar. Janubiy viloyatlar misolida). Tarix fan. nomz ... diss. – T., 2010.
6. Zokirova N. Ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyoti sharoitida aholini sotsial himoya qilish tizimini takomillashtirish (Uzbekiston Respublikasi oilalari misolida). Tarix fan. nomz ... diss. – T., 2011..
7. Uzbekiston Respublikasi Markaziy Davlat arxivi, M-15-fond, 1-ro'yxat.
8. Uzbekiston Respublikasi Prezidenti Devoni arxivi Andijon viloyati bo'limi, 4141- fond, 13- ro'yxat, 97-yig`ma jild.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).